

**ЎЗБЕКИСТОНДА АКТГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ  
МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ  
ИМКОНИЯТЛАРИ: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ**

**(ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ ЯНГИ  
МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ)**

**т.ф.ф.д. С.В. Джиянбаев, доц.Ж.Н. Абдуназаров, доц. С.А.Усманов**

**Жиззах политехника институти**

Рақамли технологиялар орқали транспорт соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси учун энг устувор ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ва республикамизнинг 4 та асосий минтақаларини қамраб олган, 586292-EPP-1-2017-1PL-EPPKA2-SBHE-IP “INTRAS: Интеллектуал транспорт тизимлари: Ўзбекистонда АКТга асосланган янги магистратура дастурини яратиш” янги магистратура дастурининг асосий вазифаси сифатида “Интеллектуал транспорт тизимлари” соҳасида муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш, ўқитишнинг янгича инфратузилмасини ва тизимларини яратишдан иборат. Ушбу муҳандислар Ўзбекистонда давлат бошқарув органлари, транспорт, sanoat тармоқлари ва хусусий секторларнинг маҳаллий ва ҳудудий транспорт муаммоларини ҳал қила олиш лаёқатига эга бўладилар. Ушбу мақсадларга ОТМ лардаги муҳандислик йўналишларида янги магистратура дастурларини (тўлиқ ўқув таъминотини) яратиш орқали эришилади.

Юқорида таъкидланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент, Жиззах, Термиз, Андижон шаҳарларининг йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракати GPS тизими асосида тартибга солинади. Интеллектуал транспорт тизимлари бўйича магистратура дастурининг Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Бош

Бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва шу асосда таълим жараёни ташкил этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган [1]. Шу нақтаи назардан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ушбу халқаро “INTRAS” лойиҳаси транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, тизимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Европа Комиссияси раҳбарлигидаги Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият Ижроия Агентлигининг (ЕАСЕА) умумий қоидалари ва режасига асосланган ҳолда, янги магистратура мутахассислиги учун замонавий янги ўқув режа ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги тассаруфидаги транспорт тузилмалари ҳамда Европанинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликда яратилди. Лойиҳанинг олдида қўйилган ва ечилиши долзарб бўлган вазифалардан келиб чиқиб, барча мутахассислик фанлари бўйича ўқув фан дастурлари ишлаб чиқилди. Ушбу мутахассислик фанларини танлашда чет эл ОТМлари профессор ўқитувчиларининг илмий ва методик салоҳияти ҳамда ўқув материалларидан кенг фойдаланилди. Ушбу фанларнинг номлари қуйида келтирилган.

1. Intelligent Vehicle Technologies & Smart Mobility
2. Transportation Economics and Demand analysis
3. Road Traffic Engineering and Optimization
4. In-Vehicle Information Systems
5. Robotics, Autonomous Vehicles, and Smart Logistics
6. Mobility Service Design-and-Management and Economics of Mobility

## 7. Communications and Information Systems in Smart Transportation

Янги замонавий “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислигида талабалар ўқиш даврида қуйидаги вазифаларни бажарадилар ҳамда ўрганадилар:

– мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини;

– интеллектуал транспорт тизимларини амалиётга қўллаш бўйича илмий масалаларни ечиш учун янги технологиялар ва дастур пакетларини (PTV VISSUM ва PTV VISSIM дастури ёрдамида) амалиётга қўллашни;

– ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқот қилиш ва ишлаб чиқишни;

– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришни;


– илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқишни;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий мақолаларни (юқори индексли журналлар, Scopus ва бошқалар) чоп этишни, рефератлар ва библиографияларни тузишни;

– соҳага оид бўлган махсус белгиланган диссертация мавзуларни амалиётга қўллаш орқали натижаларни олишни.

Дастурда қатнашаётган ҳар бир ОТМ учун ўқитишнинг энг замонавий усуллари ҳамда дастурий пакетларидан фойдаланиш мақсадида 20,000 евро миқдоридagi (Software ва hardware) жиҳозлар ўқув-илмий лаборатория яратиш мақсадида сотиб олинди. Жумладан, ушбу лойиҳа иштирокчиси бўлган Жиззах политехника институтининг “Логистика ва сервис” кафедраси тасарруфида янги магистратура дастури учун модий-техник ва лаборатория базаси яратилади ва замонавий ўқув-илмий лаборатория ташкил этиш этилади. Ўқув-илмий лаборатория талабаларга соҳага оид муаммоларини таҳлил қилиш ва уларни ечишда асосий билим ва кўникамаларни беради.

Лойиҳанинг олдига қўйилган асосий ва устувор вазифаларини бажариш мақсадида Жиззах политехника институтининг бир неча нафар профессор ўқитувчилари Польша давлатининг Гданск технология университетида, Словакия давлатининг Жилин университетида, Австрия давлатининг Клагенфурт Алпен-Адра университетларида махсус ўқув семинарларида иштирок этдилар. Қуйида ташриф доирасида олинган фото лавҳалар келтирилган.



Хулоса сифатида шкни алоҳида таъкидлаш зарурки, “INTRAS” лойиҳасини бажариш жараёнида Австриянинг Алпен-Адра университети билан англашув меморандуми имзоланди ва келгуси ўқув йилидан бошлаб 2 семестрлик тажриба алмашинув дарслари ўтказилиши режалаштирилди.

Лойиҳа мувофиқлаштириш кенгашининг қарорига кўра Жиззах политехника институтининг илмий, ўқув ва моддий-техник базасини ҳисобга олган ҳолда 2020 йил 6-12 июль кунлари Польшанинг Гданск технология университети, Словакиянинг Жилин университети, Австриянинг Клагенфурт

Алпен-Адра университетлари билан ҳамкорликда Ёзги мактаб (Summer School) ўтказиш режалаштирилган.

Келгусида ушбу лойиҳанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Европанинг нуфузли ОТМлари ва институтнинг транспорт муҳандислиги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабалари ўртасида академик алмашинув дастурларини амалга ошириш мақсад қилиб олинган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-3589 сонли қарори
2. [www.intras.uz](http://www.intras.uz)